

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

МИРЗАЖОНОВА ДОНОХОН БАХОДИРОВНА

**ИЧ ТЕРЛАМА ОҚИБАТИДА ЎТКИР БАКТЕРИЯ ТАШУВЧАНЛИК
ШАКЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ
ВА УНИНГ СУРУНКАЛИ ШАКЛГА ЎТИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Мирзажанова Донохон Баходировна

Ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик
шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг
сурункали шаклга ўтишини олдини олиш..... 3

Мирзажанова Донохон Баходировна

Клинико-иммунологические аспекты формирования
острого бактерионосительства и предупреждение его
перехода в хроническое, в исходе брюшного тифа..... 31

Mirzazhonova Donokhon Bakhodirovna

Clinical- immunological aspect of acute
carriage forming and prevention of its transition in
chronic one in typhoid outcome..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

МИРЗАЖОНОВА ДОНОХОН БАХОДИРОВНА

**ИЧ ТЕРЛАМА ОҚИБАТИДА ЎТКИР БАКТЕРИЯ ТАШУВЧАНЛИК
ШАКЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ
ВА УНИНГ СУРУНКАЛИ ШАКЛГА ЎТИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/Tib319 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Гулямов Нариман Гулямович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич
тиббиёт фанлари доктори

Мусабаев Эркин Исхакович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Козлов Виктор Константинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

Етакчи ташкилот:

**“Федерал тиббий-биологик агентлик қошидаги
Болалар юқумли касалликлари илмий-клиник
маркази” Федерал Давлат бюджет муассасаси
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Фуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qir.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Фуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

З.С. Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.П. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юқумли ва вирус касалликлар аҳоли орасида кун сайин ортиб бормоқда. Қорин тифи бўйича эндемик мамлакатлар бу «...эпидемиологик жиҳатдан сифатли ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳал этилмаган, қониқарсиз коммунал-маиший шароитга эга аҳоли яшаш жойларидаги, иссиқ иқлимли ва аҳолининг санитармаданияти паст бўлган давлатлар бўлиб...»¹ бу муаммонинг долзарблигини белгилайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ҳар йили дунёда 20 миллиондан ортик қорин тифи билан касалланишнинг янги ҳолатлари рўйхатга олинади, уларнинг 200 мингтаси ўлим билан яқунланади»². Қорин тифи кўпинча Осиё мамлакатларида кузатилади «...қорин тифи қайд қилинмаган мамлакатнинг ўзи йўқ...»³. Замонавий қорин тифи хасталигининг эпидемиологик хусусияти, кўплаб мамлакатларда қорин тифи билан касалланиш ҳолатларининг аксарияти ташқаридан олиб келинганлигидир. Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «...аниқланган қорин тифи ҳолатларининг 60% қорин тифи билан касалланиш даражаси юқори бўлган мамлакатларга ташриф буюрган сайёҳлар томонидан олиб келинган, уларнинг 75% Ҳиндистон, Покистон ва Непалда бўлиб қайтган сайёҳлар орасида кузатилган»⁴. Қорин тифи қўзғатувчисининг сурункали ташувчанлик шаклланиш даражасининг кўтарилишга турғун мойиллиги ҳам хавф чақирмоқда. Ҳозирги кунда қорин тифи сурункали бактерия ташувчанлигига худудларда *S. typhi* сақланиб қолиши ва кўпайишига олиб келувчи сабаб сифатида қаралмоқда. Қорин тифи бугунги кунда аҳоли орасида қайт қилинадиган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклига ўтишини олдини олишнинг таъсирини ҳамда қорин тифи касаллигининг клиник белгилари ва клиник-лаборатор кўрсаткичлар динамикаси хусусиятларини соғайиш билан тугалланганлар, шунингдек, бактерия ташувчанлик шаклланган беморларда кечадиган хусусиятларни асослашдан иборат. Соғайиш билан тугалланган ҳамда бактерия ташувчанлик шаклланган қорин тифи билан хасталанган беморларда цитокинлар IL-1, IL-10, TNF- α даражасини ҳамда қорин тифи билан хасталанган беморларда бактерия ташувчанлик шаклланиш мойиллигига IL-1 β rs1143627 ген полиморфизми таъсирини асослашдан иборат. Соғайиш билан тугалланиш ҳамда бактерия ташувчанлик шаклланишни қорин тифи

¹Кафтырева Л.А., Егорова С.А., Козырева В.К. и др. Особенности брюшного тифа в Российской Федерации. Дальневосточный журнал инфекционной патологии 2012; (21): 101-8

²ЖССТнинг йиллик ҳаёбат маълумотлари, 2017

³WHO estimates of the global burden of foodborne diseases. Foodborne diseases burden epidemiology reference group 2007–2015. Geneva: World Health Organization; 27 June 2016

⁴Weil, F.X., 2010

билан хасталанган беморларда П-10-1082 GA (rs1800896) ген полиморфизмига боғлиқлигини олдини олишга қаратилган самарали ташхислаш ва даволаш механизмларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни тарқалиши олдини олиш ва асоратларини камайтириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁵ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклига ўтишини олдини олишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сонли «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁶. Ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклига ўтишини олдини олишни баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

⁶Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.lstmed.ac.uk, www.otago.ac.nz, www.ufl.edu, www.snu.ac.kr, www.ibis-sevilla.es, www.ox.ac.uk, www.umd.edu, www.unimelb.edu.au, www.uzh.ch, www.auf.edu.ph, www.lshtm.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.duke.edu, www.nibmg.ac.in, www.nie.gov.in, www.sanger.ac.uk, www.cgu.edu.tw, www.infectology.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

муассасаларида, жумладан: Liverpool School of Tropical Medicine, University of Oxford, London School of Hygiene & Tropical Medicine, University of Cambridge, The Wellcome Trust Sanger Institute (Буюк Британия); University of Otago (Янги Зеландия); University of Florida, University of Maryland, Angeles University Foundation, University of Duke (АҚШ); Seoul National University (Жанубий Корея); Institute of Biomedicine of Seville (Испания); University of Melbourne (Австралия); University of Zurich (Швецария); National Institute of Biomedical Genomics, National Institute of Epidemiology (ICMR) (Ҳиндистон); University of Chang Gung (Тайван); Пастер номидаги эпидемиология, микробиология ИТИ (Россия), Марказий эпидемиология ИТИ (Россия), Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклига ўтишини олдини олишни баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: қорин тифи касаллигини олдини олишга қаратилган Ty21a оғиз орқали юбориладиган ва Vi парентрал юбориладиган вакцина ишлаб чиқилган (Liverpool School of Tropical Medicine (Англия); эндемик хусусиятга эга бўлмаган мамлакатларда иккиламчи гемофагоцитар лимфогистиоцитоз (sHLH) қорин тифи мулоқатда бўлган (TF) ривожланиши ва унинг оғир асоратлари исботланган Institute of Biomedicine of Seville (Испания); хлорфеникол ишлатмаслик, ампициллин, котримоксазол, фторхинолон и цефалоспоринларнинг учинчи авлодини қўллаш билан биргаликда, ципрофлоксацин ва цефтриаксонни қисқа муддатда даволашда фойдаланиш самарадорлиги исботланган Seoul National University (Жанубий Корея)); қорин тифининг эпидемиологик минтақаларида қорин тифининг молекуляр ва оралик хусусиятлари исботланган University of Cambridge (Комбоджи); сурункали С гепатитнинг генлар полиморфизми асосида клиник кечиш жараёнининг янги генетик маркерлари ишлаб чиқилди (Department of Internal Medicine (Taiwan); University of Medical Sciences (Эрон); Instituto de Biomedicina de Sevilla (Испания); қорин тифи ва салмонеллез инвазиясида VAC14 генетик ўзгарувчанлигини холестерин регуляциясида инсон омилининг бошқарувчанлиги исботланган Duke University (Англия); қорин тифи билан хасталанган беморларнинг GyrA ser83 ва ParCtp106 *Salmonella enterica* Serovar Typhi генларининг мутацияси исботланган National Institute of Epidemiology (ICMR) (Ҳиндистон); ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклига ўтишини олдини олиш механизмлари ишлаб чиқилган Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлари илмий – амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон).

Дунёда ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклига ўтишини олдини олишни илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор

йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, соғайиш билан тугалланиш ҳамда бактерия ташувчанлик шаклланишини қорин тифи билан хасталанган беморларда TNF-G 308A ген полиморфизмига боғлиқлигини асослашга қаратилган механизмларни ишлаб чиқиш; қорин тифи тугалланиш оқибатида бактерия ташувчанлик шаклланишини олдини олиш ва олдиндан ахборотлаш мезонларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўткир бактериал ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик ва генетик жиҳатлари ҳамда қорин тифининг тугалланиш оқибатида сурункалига ўтишини олдини олиш муаммолари бўйича сўнгги йилларда бир неча илмий тадқиқотлар мустақил ҳамжамият мамлакатларида олиб борилди (Коваленко А.Н. ва бошқ., 2007; Волжанин В.М. ва бошқ., 2009; Кафтырева ЛА. ва бошқ., 2012). Кўп сонли замонавий изланишларга кўра, цитокинлар ишлаб чиқарилишининг генетик детерминирланган гипер- ёки гипо- ҳолати иммун жавоб сифатига, цитокинларнинг алоҳида полиморфизм генлари юқумли касалликларнинг оғирлик даражаси, давомийлиги ва тугалланиш оқибатлари билан боғлиқ (Притулина Ю.Г., 2014; Акбиева Д.С., 20017; Gopal M. At all.,2016). Ўткир юқумли касалликларнинг турли хил тугалланиш оқибатларини ахборотлаш масаласини дунё бўйича амалий ҳал этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларда бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилган, маълумки, ўткир юқумли касалликлар тугалланиш оқибатларини шаклланишида касаллик асосида ётувчи иммунологик реактивлик ҳолати муҳим аҳамият тутаяди, жумладан, инфекция билан зарарланиб бўлгандан кейин хужайраларнинг цитокинларни ишлаб чиқариш хусусиятини тикланиши (Акбиева Д.С., 2017; Балпанова Г.Т., Шортанбаев А.А., Талгатбекова Д.Ж., 2017; Железникова Г.Ф., 2008).

Ўзбекистонда ичак инфекцияларнинг эпидемиологияси, уларни ташхислаш ва даволаш борасида қатор илмий ишлар олиб борилмоқда (Ахмедова М.Д., Маткаримов Б.Д., 2006; Даминов Т.А. ва бошқ., 2010; Туйчиев Л.Н. ва бошқ., 2013) бироқ, ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклига ўтишини олдини олишга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Оғир яллиғланиш жараёнларини ривожланиш хавфи IL-2 генининг GG (T-330G); IL-4 генининг CT ва TT (C-590T), IL-10 генининг AA (C-592A); TNF- α генининг GA ва AA (G-308A); TGF- γ генининг TT (C-509T) ва IFN- γ генининг AA (+874A/T) генотиби билан боғлиқ (Näsström E. at all., 2018; Chin K.C.J., at all., 2017; Di Domenico E.G., at all., 2017; Datta M., at all., 2017). Шу муносабат билан, ушбу касалликларнинг ривожланишига ёрдам берадиган генетик, шу жумладан иммуногенетик омилларни, уларнинг прогрессив йўналишини ва салбий натижаларини аниқлашга қаратилган ишлар бугунги кунда шак-шубҳасиз, долзарбдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-

текшириш институтинингилмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф–6–СС–1–73326 «Бактериал ичак инфекцияларининг чўзилган ва сурункали шаклда кечиши патогенези механизми ва сабабини аниқлаш» (2012–2016 йй.) лойихаси доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклга ўтишини олдини олишни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорин тифи клиник белгилари ва клиник-лаборатор кўрсаткичлар динамикаси хусусиятларини соғайиш билан тугалланган ҳамда бактерия ташувчанлик шаклланган беморларда баҳолаш;

соғайиш билан тугалланган ҳамда бактерия ташувчанлик шаклланган қорин тифи билан хасталанган беморларда цитокинлар (IL-1, IL-10, TNF- α) даражасини баҳолаш;

қорин тифи билан хасталанган беморларда бактерия ташувчанлик шаклланиш мойиллигига IL-1 rs1143627 ген полиморфизми таъсирини баҳолаш;

соғайиш билан тугалланиш ҳамда бактерия ташувчанлик шаклланишни қорин тифи билан хасталанган беморларда IL-10–1082 GA (rs1800896) ген полиморфизмига боғлиқлигини баҳолаш;

соғайиш билан тугалланиш ҳамда бактерия ташувчанлик шаклланишини қорин тифи билан хасталанган беморларда TNF–G 308A ген полиморфизмига боғлиқлигини баҳолаш;

қорин тифи тугалланиш оқибатида бактерия ташувчанлик шаклланишини олдини олиш ва олдиндан ахборотлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида (Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Сурхандарё вилояти, Қашқадарё вилояти, Жиззах вилояти) яшовчи 18 ёшдан 62 ёшгача бўлган ич терлама билан касалланган беморлар $n=41$, Самарқанд вилоятидаги сурункали бактерия ташувчанлар $n=84$, назорат гуруҳи $n=91$ беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор ва бактерия ташувчилар қони ва зардоби молекуляр-генетик тадқиқотлар учун, ахлати S.Typhi тоза култураси аниқлашучун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, иммунологик, эпидемиологик, бактериологик, серологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ич терлама бактерия ташувчанлик ривожланишида IL-1 ва TNF- α яллиғланишга хос цитокинларининг аҳамияти ва қорин тифи клиник кечиши ривожланиши патогенетик механизмлари молекуляр даражада исботланган;

илк бор қорин тифида сурункали кечиши ва бактерия ташувчанлик ривожланишида IL-1 (G1082A), IL-10 (T31C) ва TNF- α (G308A) генларининг

аллел вариантлари ва генотиплари учраши даражасига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланиши ва унинг сурункали шаклга ўтишида иштирок этувчи полиморфизмларининг ўзбек миллатига хос комбинациялари (rs1143627, rs1800896, G308A) аниқланган;

қорин тифи билан оғриган ва сурункали ташувчанлик шаклланган беморлар гуруҳлар қиёсий таҳлилида IL-1 rs1143627 гени полиморфизмининг салбий позицияларидаги С/С генотиплари бўйича тескари фарқлар аниқланган;

илк бор қорин тифининг турли клиник даврларида яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорининг ўзгариш динамикаси хусусиятларига боғлиқ касалликнинг турли хил тугалланиш оқибатлари эҳтимолини ахборотлаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот касаллик ривожланишидан олдин қорин тифининг клиник кечиши ва ташувчанлик ривожланишини ахборотлаш, таххислаш самарадорлигини ошириш, касаллик ривожланишидан аввал даво-профилактик чораларни ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган мезонлар қорин тифининг эрта босқичларида касаллик кечишини, тугалланиш оқибатида бактерия ташувчанлик ривожланиш хавф даражасини ахборотлаш ҳамда унинг олдини олиш учун профилактик чораларини қўллаш имконини берган;

бактериологик ва ПЗР усуллари ёрдамида қорин тифининг ўткир шакли аниқланган беморларда касалликнинг клиник кечиш хусусиятлари ва ўзаро фарқлари аниқланган;

ўзбек популяциясида қорин тифи билан зарарланиш эҳтимолини оширувчи цитокингенлари полиморфизми аниқланган;

қорин тифи билан оғриган беморлар гуруҳчасида TNF- α полиморфизм rs1800629 гени юқори бўлиб, унинг мустақил аҳамияти ҳамда ушбу касалликнинг ривожланишини ахборотлашда энг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, сув намуналари сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, эпидемиологик, бактериологик, серологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллар асосида ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклига ўтишини олдини олишнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек популяциясида қорин тифи ва уни сурункали шаклга ўтишида аҳамиятли бўлган етакчи цитокинлар ҳамда ушбу

цитокинларга хос генларни полиморфизмларини баҳолаш тартибининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган мезонлар касаллик тугалланиш оқибатини олдиндан ахборотлаш ҳамда қорин тифини ўткир кечиш даврида бактерия ташувчанлик шаклланишини олдини олиш чораларини қўллашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклига ўтишини олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қорин тифида буйрак усти беши етишмовчилигининг ривожланишини ахборотлаш ва олдини олиш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 8н-з/152-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қорин тифида буйрак усти беши етишмовчилигининг ривожланишини эрта ташхислашни ахборотлаш ва олдини олишга хизмат қилган;

«Қорин тифи тугалланиш оқибатларини эрта ахборотлаш мезонлари самарадорлиги» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 8н-з/152-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қорин тифи тугалланиш оқибатларини эрта ахборотлашда ишлаб чиқилган мезонлар самарадорлигини баҳолашга хизмат қилган;

ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатлари ва унинг сурункали шаклга ўтишини олдини олишни баҳолаш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти ва Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонаси клиник амалиётларига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 8н-з/122-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар касалликни эрта ташхислаш, ич терлама оқибатида ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик жиҳатларини баҳолаш, қорин тифининг кенг тарқалган эндемик худудларида дудоденал зондлаш асосида ўт сафро ва ахлатни бактериал текшириш орқали касалликни эрта ташхислаш, касаллик асоратларини камайтириш билан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттига боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қорин тифи тугалланишида бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик қирралари»** деб номланган биринчи бобида қорин тифи ривожланиши ва кечиши хусусиятлари тўғрисида замонавий тушунчалар таҳлил этилган. Ўткир бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик ва генетик қирралари ҳамда уни сурункали бактерия ташувчанликка ўтишини олдини олиш, иммун жавоб амалга оширилишида интерлейкинларнинг ўрни муаммоси бўйича замонавий маълумотлар келтирилган, юқумли касалликлар патогенезида молекуляр-генетик механизмлар, цитокинларнинг ген полиморфизми тўлиқ ёритилган. Касаллик кечишини таҳлил этиш, касаллик тугалланиш оқибатларини ахборотлаш ҳамда даволаш тактикасини танлаш имкониятларига кўра цитокинлар тўғрисидаги генетик маълумотлар юқумли касалликлар ривожланишини ахборотлашда зарур ва фойдали бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Қорин тифи тугалланишида бактерия ташувчанлик шаклланишининг клиник-иммунологик қирраларини текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида кузатилган беморларнинг умумий тавсифи келтирилган. Беморлар эпидемиологик, клиник, бактериологик, серологик текширув усуллари билан касаллик динамикасида комплекс равишда текширилди: касалхонага келганда ва чиқарилишдан аввал. Қорин тифи билан касалланган беморларда антителогенез интенсивлиги эритроцитар суюқ Vi-антиген, қорин тифига қарши эмланганларда эса эритроцитар суюқ O-антиген (қўлланилган қорин тифига қарши эмдори Vi-антиген тутмайди) диагностикаси билан БГАР (бевосита гемагглютинация реакцияси) усулида баҳоланилди.

Периферик қон зардобиди цитокин спектри аниқланди. Яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ҳамда интерферонлар даражаси «Вектор-Бест», Россия, Новосибирск 2012-2016 йй. синама-тизимини қўллаган ҳолда иммунофермент таҳлил усулида ўтказилди.

TNF- α нинг rs1800629 (G-308A) гени, IL-10 нинг rs1143627 (T31C) гени ҳамда IL-1 β нинг rs1800896 (G1082A) генларининг молекуляр-генетик

текшируви ЎзР ССВ гематология ва қон қуйиш ИТИ, молекуляр тиббиёт ва хужайравий технология бўлимида бажарилди (бўлим бошлиғи, проф. Каримов Х.Я.).

«Control» танлангани 91 нафар ўзбек миллатига оид, ёш ва жинс бўйича асосий гуруҳга мувофиқ келувчи шартли-соғлом донорлар ташкил этди ($p > 0,05$). Ушбу танланмага танлашнинг асосий мезонларига этник мансублик (ўзбеклар, $41,1 \pm 17,2$ ёш), қариндошлик алоқаси, бактериал ёки вирусли касалликларининг, жумладан ҚТ йўқлиги кирди.

Олинган рақамли материалларга Pentium-4 да «Microsoft Excel»2003 (XP) дастурини қўллаган ҳолда статистик ишловнинг берилган вазифаларидан фойдаланиб, вариацион статистика усулида ишлов берилди. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усулидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Қорин тифи билан касалланган беморлар ва ташувчиларнинг клиник-лаборатор тавсифи**» деб номланган учинчи бобида қорин тифи билан касалланган беморларнинг клиник-лаборатор тавсифи, қорин тифи билан касалланган беморларда клиник симптомларнинг учраш даражаси ва тавсифи, қорин тифи асоратлари клиник белгиларининг учраш даражаси ва тавсифи, қорин тифи билан касалланган беморлардан ажратиб олинган *S. typhi* штаммининг хусусиятлари келтирилган.

Қорин тифи ўртача оғир ва оғир кечган 41 нафар беморлар касаллик тарихи ретроспектив таҳлил этилган. Барча беморлар – 2016-2018 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасининг турли хил ҳудудларида яшовчи инсонлар бўлишган.

«Қорин тифи» (ҚТ) ташхиси ЎзР ССВ нинг 25.03.2015 йилдаги «Республика аҳолиси ўртасида қорин тифи, паратиф ва бошқа сальмонеллелар ҳамда ўткир ичак касалликларига қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш» номли №122 Буйруққа ҳамда бактериологик ва серологик текширув натижаларига асосланиб тасдиқланди.

Беморлар эпидемиологик, клиник, бактериологик, серологик усуллар ёрдамида комплекс текширувдан касаллик динамикасида ўтказилди: касалхонага келганида ва чиқишдан аввал. Касалхонадан чиқарилиш вақтида ҚТ реконвалесцентларида клиник белгилари йўқотилган, копрокультура, гемокультура ва биликультурада *S.typhi* аниқлаш бўйича бактериологик текширувда манфий натижа кузатилган ҳолатларда соғайиш қайд этилди.

Кузатувдаги беморларнинг 32 (78,0%) нафарида касаллик ўткир бошланган, 9 (22,0%) нафарида касаллик клиник симптомларини аста-секин кучайиб бориши кузатилган. Беморларнинг фақат 6 (14,6%) нафарида касалликнинг рецидивланиб кечиши, қолган 35 (85,4%) нафарида эса циклик кечиши хос бўлди. 16 (39,0%) нафар беморларда касаллик оғир ва 25 (61,0%) нафарида – касаллик ўртача оғир шаклда кечди.

Беморларнинг ўртача ёши $30,8 \pm 4,4$ ёшни ташкил этди.


53,7% беморларда зарарланишнинг турли хил омиллари, жумладан 17,1% беморлар анамнезида қорин тифи билан касалланган беморлар билан алоқа бўлган. 46,3% беморларда эса эпидемиологик анамнез аниқланмаган.

96,0% ўртача оғир ҳамда 75,0% оғир шаклдаги беморларда турли хил даражадаги камқонлик аниқланган, касалликнинг оғир шаклида 3 даражадаги камқонлик 2,7 мартаба кўпроқ кузатилди.

Касалликнинг клиник белгилари тахлили ўтказилганида, касалликнинг ўртача оғир шаклида умумий ҳолсизлик – 24 нафар беморларда (96,0%), тери қопламлари рангпарлиги – 22 нафар беморларда (88,0%), бош оғриғи 16 нафар (64,0%), бош айланиши – 14 та беморларда (56,0%), барча беморларда тилнинг караш билан қопланганлиги, иштаха пастлиги – 23 та беморларда (92,0%), юрак тонларининг бўғиқлиги 96,0% ҳамда беморларнинг ярмидан кўпида қорин дам бўлиши – 20 (80,0%) та беморларда рўйхатга олинди.

Қуйидаги бегилар эса нисбатан кам хос бўлди: уйқу бузилиши (32,0±1,1%), жигар ўлчамларининг катталашиши (44,0±1,3%), қалтираш (36,0±1,2%), кўнгил айнаш (48,0±1,3%), қоринда оғриқ (40,0±1,2%), ич бузилиши (36,0±1,2%).

Касалликнинг оғир шаклида касаллик қалтираш (56,3±1,9%), бош оғриғи (93,8±2,4%) билан ўткир бошланди (100%). Қорин тифининг асосий барча симптомлари яққол намоён бўлди (интоксикация, ошқозон-ичак трактининг зарарланиши ва ҳ.к.) (1-расм).



1-расм. Қорин тифининг ўртача оғир ва оғир шакллари клиник симптомлари

Касалликнинг авж олиш даврида кузатувдаги барча беморларга юқори ҳарорат, уйқу бузилиши, бош оғриғи хос бўлди. Ушбу даврда ошқозон ичак тракти томонидан қуйидаги симптомлар хос бўлди: оғиз қуриши (87,5±2,3%), тилни караш билан қопланганлиги (100%), қорин дам бўлиши (81,3±2,2%), кўп ҳолатларда ўнг ёнбош соҳасида оғриқ (81,3±2,3%), диарея (62,5±2,0%).

Беморларнинг катта қисмида яққол гепатомегалия аниқланди (12; 75,0±2,2%). Юрак қон томир тизими томонидан беморларнинг катта қисмида артериал гипотензия (56,3±1,9%), нисбий брадикардия (18,8±1,1%) ва юрак тонлари бўғиқлиги (93,82,4%) кўринишида ўзгаришлар кузатилди.

Қорин тифи ўртача оғир шаклидаги беморларда гемограмма кўрсаткичларини касаллик динамикасига боғлиқ равишда қиёсий тахлилида гемоглобин (мувофиқ равишда 86,71±1,96 г/л ва 93,9±1,88 г/л) ва эритроцит (мувофиқ равишда 3,04±0,05 ва 3,15±0,05) кўрсаткичларини назорат гуруҳига нисбатан касалликнинг авж олиш даври билан бир қаторда реконвалесценция даврида ҳам сезиларли пасайиши аниқланди.

Шу билан бир қаторда ЭЧТ статистик ишонарли пасайиши (касалликнинг авж олиш даврида 11,23±0,96 мм/соат ва реконвалесценция даврида 8,39±0,73 мм/соат, $P < 0,05$) фонида лейкоцитлар ва лимфоцитлар даражасини сезиларсиз пасайиши кузатилган.

Маълумотлар тахлиliga кўра, касалликнинг асоратлари ва рецидивланиши оғир шаклдаги беморларда рўйхатга олинган ва ушбу беморларда яққол интоксикация натижасида юзага келган. Ичакдан қон кетиши (1), ичак перфорацияси (1) ва перитонит (2) каби асоратлар кам ҳолатларда юзага келди (мувофиқ равишда 6,25±0,62% ва 12,5±0,88% беморларда).

Шундай қилиб, оғир шаклдаги қорин тифида яққол интоксикация натижасида клиник асоратлар ва рецидивлар шаклланиш даражаси устунлик қилди ҳамда бактерия ташувчанлик ривожланишининг даракчиси бўлди.

Қорин тифи тугалланиш оқибатларига боғлиқ равишда клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг ретроспектив тахлили касаллик динамикасида ўтказилди. Ўткир реконвалесцент бактерия ташувчанлик шаклланиши билан яқунланган ўткир кечишли қорин тифида гемокультурада *S.typhi* ўсиш даражаси тугалланиш оқибати соғайиш бўлган беморларга нисбатан бир неча бор юқори (31,25%), биликультурада эса статистик ишонарли ва сезиларли даражада юқори (37,5%) бўлди. *S.typhi* ни гемокультурада, айниқса, биликультурада энг эрта аниқланиши *S.typhi* ичак шиллиқ қавати химоя-барьер механизмларини эрта енгиб ўтганлиги, эрта ривожланган бактеримия ҳамда кўзғатувчини ўт йўлларида тушганлигидан далолат беради. Қорин тифи тугалланиш оқибатлари турлича бўлган беморларда ажратиб олинган *S.typhi* хусусиятларини аниқлаш, касалликнинг ўткир даврида ўт суюқлигида *S.typhi* ажратиб олиниши бактерия ташувчанлик шаклланиш жараёнини тугалланганлик хавф кўрсаткичи эканлигини хулоса қилиш имконини беради.

Кузатувдаги беморларда қорин тифи ташхисини тасдиқлашда қўлланилган асосий текширув усуллари бактериологик ва серологик бўлди.

Кузатувдаги 41 нафар беморларнинг барчасида гемокультура натижаси ижобий бўлди, уларнинг 35 нафарида касалликнинг ўртача оғир ва 6 нафарида оғир шакллари ташхисланди.

Диссертациянинг «Касалликнинг турли хил кечиш вариантлари бўлган қорин тифи билан касалланган беморларда цитокин статуси

кўрсаткичларининг динамикаси» деб номланган тўртинчи бобида 41 нафар ўткир қорин тифи билан касалланган беморларда касаллик динамикасида (авж олиш даври, эрта ва кечки реконвалесценция) яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар - IL-1 β , TNF- α ва IL-4, IL-10 ишлаб чиқарилиши даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган текширув натижалари келтирилди.

Беморлар периферик қонда интерлейкинлар миқдори касалликнинг авж олиш даври (2-хафта), эрта (4-хафта) ва кечки реконвалесценция (касалхонадан чиқишдан олдин) даврларида ўрганилди. 24 нафар соғлом кишилар кўрсаткичлари назорат сифатида хизмат қилди.

Касалликнинг авж олиш даврида ўткир қорин тифи билан касалланган беморлар қон зардобида олинган натижаларнинг тахлилида яллиғланиш олди цитокинлари миқдорини меъёрга нисбатан мувофиқ равишда 18,5 ва 19,4 баробарга ошишини аниқладик: IL-1 β (26,39 \pm 1,42 пг/мл, меъёр - 1,43 \pm 0,08 пг/мл) ва TNF- α (28,90 \pm 0,78 пг/мл, меъёр - 1,49 \pm 0,18 пг/мл).

Касаллик белгиларини регрессияланиши билан ушбу цитокинлар концентрациясини ҳам пасайиши кузатилди (IL-1 β эрта реконвалесценцияда 18,00 \pm 0,20 гача, кечки - 8,56 \pm 0,43 пг/мл гача; TNF- α – эрта – 20,80 \pm 0,21 пг/мл ва кечки реконвалесценцияда 9,10 \pm 0,45 пг/мл). Шунга қарамасдан, кечки реконвалесценция даврида яллиғланиш олди медиаторларининг миқдори соғлом кишилар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли даражада юқорилигича қолди.


Яллиғланишга қарши медиаторлар концентрацияси тахлиliga кўра, касалликнинг барча даврларида қон зардобида IL-4 ва IL-10 қиймати ишонарли равишда юқори бўлди ҳамда симптомларни пасайиш даврида энг юқори чўққига етди ($p < 0,05$) (IL-4 - 8,19 \pm 0,40 пг/мл, меъёр 2,67 \pm 0,10 ва IL-10 - 8,37 \pm 0,27, меъёр 2,31 \pm 0,12 пг/мл, IL-4 эрта реконвалесценция даврида 17,54 \pm 0,16 гача ва кечки - 25,86 \pm 0,12 пг/мл; TNF- α – эрта – 18,14 \pm 0,19 пг/мл ва кечки реконвалесценция даврида 32,26 \pm 0,17 пг/мл.). Буни яллиғланиш медиаторларининг юқори қийматига нисбатан организмнинг компенсатор (ҳимоя) реакцияси билан тушунтирилади.

Шундай қилиб, касалликнинг ўткир даврида яллиғланиш олди цитокинлари IL-1 β ва TNF- α миқдори клиник белгилар яққол намоён бўлган даврда максимал даражага етди. Шунга қарамасдан, яллиғланиш жараёни сўниши ва клиник соғайишга қарамасдан цитокинлар даражаси юқорилигича қолди ва бу бизнинг фикримизча, сақланиб қолган антигенемиядан (аллергия) далолат беради. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўткир қорин тифи инфекциясида IL-1 β ва TNF- α миқдорининг ўзгариши бактериал инфекция “ўткир босқичи” га ўхшаш, касалликнинг ўткир даврида яллиғланиш олди цитокинлари даражаси максимал даражада ошади. Касалликнинг авж олиш даврида IL-1 β ва TNF- α миқдорининг ортиши фаол антибактериал ҳимоя шалланишидан далолат беради, чунки ушбу цитокинлар нейтрофиллар, цитотоксик лимфоцитлар, табиий киллерларнинг фаоллашишини, фагоцитозни ишга туширувчи рецепторлар экспрессиясини оширишни, яллиғланиш ўчоғига иммунокомпетент ҳужайралар миграциясини

таъминлайди. Шунга қарамасдан, эрта реконвалесценция даврида баъзи беморларда цитокин даражасини юқориликча қолиши сақланиб қолган антигенемия ва ҳимоя механизмларини нотўлиқлигидан далолат беради, бу эса кейинчалик рецидивлар ривожланишига олиб келади (Жаров М.А., Горницина М.И. 2006).

Беморларда яллиғланиш олди ва яллиғланиш интерлейкинларининг динамикада индивидуал қийматларининг таҳлилида олинган натижаларга асосланиб, касаллик давомида рецидивлар ва асоратлар кузатилган беморлар гуруҳини ажратиш имконини берди.

Рецидив ривожланган беморларда касалликнинг авж олиш даврида яллиғланиш олди цитокинларининг миқдори рецидив кузатилмаган беморлар гуруҳига нисбатан сезиларли кам ошиши кузатилган (IL-1 – 2,8 баробарга, TNF-α – 2,7 баробарга), шу билан бир қаторда, рецидив кузатилмаган беморларда ушбу цитокинлар касалликнинг эрта ва кечки реконвалесценция даврида пасайиши кузатилди (авж олиш даврида – IL-1 $29,1 \pm 1,1$ пг/мл, эрта реконвалесценцияда – $18,26 \pm 0,2$; кечки реконвалесценцияда $7,0 \pm 0,1$ ҳамда авж олиш даврида TNF-α – $31,83 \pm 0,2$, эрта ва кечки реконвалесценция даврида мувофиқ равишда $21,4 \pm 0,2$ ва $7,4 \pm 0,2$ пг/мл, $p < 0,05$), рецидив кузатилган беморларда эса қийматларнинг кейинчалик ҳам ошиши кузатилди (IL-1 – авж олиш даврида $10,3 \pm 0,2$ пг/мл, эрта реконвалесценция даврида – $16,5 \pm 0,3$; кечки реконвалесценция даврида $17,8 \pm 0,1$ ҳамда авж олиш даврида TNF-α – $11,8 \pm 0,2$, эрта ва кечки реконвалесценция даврида мувофиқ равишда $17,5 \pm 0,2$ ва $19,0 \pm 0,3$ пг/мл, $P < 0,05$), кечки реконвалесценция даврида қийматлар назорат қийматлари билан бир қаторда рецидив кузатилмаган беморлар кўрсаткичларидан кескин фарқ қилди (2-расм).




2-расм. Қорин тифи кечишининг турли хил вариантларида ИЛ-1 ва TNF-α кўрсаткичларини динамикада ўзгариши

Касаллик кечишига боғлиқ равишда яллиғланишга қарши цитокинлар қийматининг ўзгариши таҳлил этилганида динамикада сезиларли фарқлар аниқланмади, аммо шуни таъкидлаш лозимки, касалликнинг кечки

реконвалесценция даврида қийматлар рецидив кузатилмаган беморларга нисбатан ишонарли равишда кам яққолликка эга бўлди (3-расм).

Яллиғланиш олди (ИЛ-1, TNF- α) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-4, ИЛ-10) цитокинлар қийматлари ўртасидаги баланс кўп ҳолатларда инфекция жараённинг кечиши ва тугалланиш оқибабини белгилайди. Ўткир қорин тифи билан касалланган беморларда инфекция жараён динамикасида яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар нисбатини қиёсий таҳлил этдик.

Беморлар кузатуви шунга кўрсатдики, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-1, IL-4, IL-10 и TNF- α) динамикаси қонуният бузилиши бўлган беморларда касалликнинг рецидивланиб кечиши ёки асоратлар ривожланиши кузатилди (14,6%), беморларнинг қолган қисмида эса яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар динамикаси аниқ бир қонуниятга мувофиқ келди.



3-расм. Қорин тифи кечишининг турли хил вариантларида IL-4 ва IL-10 қийматининг ўзгариш динамикаси

Қорин тифи билан касалланган беморлар периферик қон зардобида цитокинлар миқдорининг ўзгариши бўйича олинган натижалар таҳлиliga асосланиб қуйидаги қонуниятларни келтириш мумкин. Қорин тифи ўткир кечган ҳамда соғайиш билан яқунланган беморларда касалликнинг авж олиш даврида яллиғланиш олди бош цитокинлари (IL-1 ва TNF- α) даражаси сезиларли ошди, бу эса патогенга қарши иммун тизимининг меъёрий адекват реакцияси, кейинчалик унинг элиминациясидан далолат беради. Патоген йўқотилганидан сўнг уларнинг даражаси пасая борди ҳамда тuzалаётган беморда иммун тизимининг қайта фаоллашишига зарурат бўлмади. Ушбу беморлар гуруҳида иммунорегулятор цитокин IL-4 ҳамда яллиғланишга қарши IL-10 цитокин касалликнинг авж олиш даврида сезиларли ошмади ҳамда инфекцияга қарши иммунитетнинг тўғри ривожланишига тўсқинлик қилмади.

Касаллик тугалланиш оқибати ўткир бактерия ташувчанлик бўлган бошқа гуруҳдаги беморлар периферик қон зардобиди яллиғланишга қарши цитокинлар касалликнинг авж олиш даврида тугалланиш оқибати соғайиш билан яқунланган беморларга нисбатан пасайиши кузатилди, бу эса ўз навбатида иммун тизимини етарлича фаоллашмаганлигини, патоген бактерияни етарлича назорат қилинмаганлигидан ташувчанлик шаклланишидан далолат беради. Соғайган беморлардан фарқли равишда бактерия ташувчанлик шаклланиши билан тугаган беморларда тузалаганларга қараганда барча текширилаётган цитокинлар даражасининг аста-секинлик билан ошиши кузатилиб, бу эса организмда патогенни мавжудлигини ва иммун тизимини фаоллашишда давом этаётганлигидан далолат беради. Беморларнинг ушбу гуруҳида IL-4 ва IL-10 юқори даражаси гиперяллиғланиш реакцияларини чегараланмаслигига олиб келади, уларнинг пасайиши эса иммун тизимини, жумладан Th1 фаоллиги билан боғлиқ бўлган инфекцияга қарши иммунитетни адекват ишлашига сабаб бўлади. Дархақиқат, тугалланиш оқибати соғайиш ва бактерия ташувчанлик шаклланиши бўлган иккала гуруҳларда ҳам IL-4 и IL-10 даражасини ошиши аниқланди. Аммо, тугалланиш оқибати соғайиш бўлган беморларда бу патоген йўқотилганидан сўнг иммун тизимининг ортиқча фаоллашишини чегаралаш мақсадида иммунорегуляциянинг меъерий жараёни билан боғлиқ. Бактерия ташувчанлик шаклланган беморларда эса аксинча, IL-4 ва IL-10 даражасини давомий кўтарилиши иммуносупрессия ривожланишига ва организмда патогенни узок вақт айланиб юришига олиб келади.

Яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар нисбатининг IL-1/IL-4 ва IL-1/IL-10 тахлилида касалликнинг турли хил кечиш вариантларида динамикада сезиларли фарқ аниқланди. TNF- α /IL-4 ва TNF- α /IL-10 интерлейкинлар индексининг ўртча кўрсаткичи йўналиши ва яққолиги касалликнинг турли хил кечиш вариантларида сезиларли фарқ қилди. TNF- α /IL-4 нисбати рецидив кузатилмаган беморларда касалликнинг авж олиш даврида, шунингдек эрта реконвалесценция даврида ишонарли ва турғун равишда камайди ҳамда кечки рековалесценция даврига келиб меъерий кўрсаткич қийматларига етди ($6,78 \pm 0,78$; $1,22 \pm 0,01$ ва $0,29 \pm 0,01$, назоратга мувофиқ равишда $0,57 \pm 0,05$, $P < 0,05$), рецидивлар кузатилган беморларда эса ушбу кўрсаткичларни касаллик кечиши давомида ошиши, кечки реконвалесценция даврига келиб ушбу цитокин нисбати қийматининг назорат гуруҳига нисбатан 1,5 баробарга юқори бўлиши кузатилди (мувофиқ равишда $10,38 \pm 4,59$; $0,93 \pm 0,02$ ва $0,86 \pm 0,02$, $P < 0,05$). Худди шундай ўзгариш TNF- α /IL-10 цитокинлар нисбати рецидив кузатилмаган беморлар (мувофиқ равишда $7,80 \pm 1,15$; $1,18 \pm 0,01$ ва $0,23 \pm 0,01$, ($P < 0,05$)) ҳамда рецидив кузатилган беморлар динамикасига (мувофиқ равишда $9,76 \pm 4,27$; $0,92 \pm 0,02$ ва $0,74 \pm 0,02$, ($P < 0,05$)) ҳам хос бўлди. Рецидив кузатилмаган беморларда кечки реконвалесценция даврига келиб TNF- α /IL-10 цитокинлар нисбатининг меъёр даражасига етилиши кузатилди ($0,23 \pm 0,01$ назоратда $0,31 \pm 0,04$), рецидив ривожланган беморлар гуруҳида эса аксинча, қийматнинг ошиб

бориши ҳамда иммун жавобнинг гуморал типда ривожланиши кузатилди, бу эса касаллик тугалланиш оқибатини ёмонлигидан далолат берди.

Шунга кўра, касалликни кейинчалик чўзилиб кечиши ёки рецидив шаклланишини TNF- α /IL-4 ва TNF- α /IL-10 цитокинар нисбатини дисбаланси билан боғлиқлигини тахмин қилиш мумкин.

